

O'ZBEKISTON

ПАРТИЯ ЯНГИ БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашида партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштириш ишлари юқори савияда ташкил қилинди. 75 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобиди 2698 нафар партия аъзоси қайта рўйхатдан ўтказилди.

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашида янги партия билетлари топширишга бағишланган йилгилик бўлиб ўтди.

— Ёшларнинг Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланиши, пухта билим олишлари ва шароит яратиб бериш юртимиз буюк келажаги учун катта аҳамиятга эга, — деди партия янги билетини қабул қилиб олар экан Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти бўлими мудири Муҳаммадиёр Тезеконов. — Бунинг учун авва-

ло ўқитувчилар, устозларнинг ўзлари пухта билимга эга бўлиши лозим. Мана шу иккита масала ҳам Ўзбекистон ХДП дастуридан ўрин олган. Шунинг учун биз ҳар доим бу партияни қўллаб-қувватлашга тайёرمиз.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар, ёшлар, ўсмирлар кўпчилиги ташкил этади, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алмадон Очилов.

ва, — партияимиз амалий саъй-ҳаракатларида улар манфаатларининг ифодаланishi бизни ҳурсанд этади. Агар ишларимизни сусайтирмасак ўйламанки, кейинги сайловларда марра бизники бўлади.

Партия янги билетлари бошланғич партия ташкилотлари раислари, халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар ва диний масалалар бўйича маслаҳатчилари ва бошқа партия аъзоларига топширилди.

Рейимбой ЁШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири




OVYOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 3-avgust • Payshanba • 88 (27.580) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ўзбекистон — азиз-авлиёлар юрти



Бухорои шариф — ўзининг буюк фарзандлари, азиз-авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни дунёга танитган табаррук маскандир. Бухоролик деганда, аввало, кўли меҳнатда-ю дили Оллоҳда бўлган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, тақдирнинг кўп-кўп синовларини бошидан ўтказган, сабр-матонатли, бунёдкор халқ кўз ўнгимизга келади. Бу заминда туглиб, камол топган Имом Бухорий, Абдуллох Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий сингари ўнлаб буюк зотлар билан нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон дунёси фахр-ифтихор қилади.

Ислом **КАРИМОВ**

ТУПРОФИДА ҲИКМАТ ГУЛЛАЙДИ...



Абдуллох Гиждувоний зияратгоҳи



Когон туманидаги Хожа Сайид Мирқуллоқ мақбараси.

2-бет

«ИШИМДАН ЖУДА МАМНУНМАН»

Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан янги иш жойларини кўпайтириш, ёшларни касбга йўналтиришга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари алоҳида ўрин тутди.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда етмишта меҳнат ярмаркаси ташкил этилди, — дейди мазкур бошқарма бошлиғи Х. Исмаҳаммадов. — Уларда мингга яқин корхона ва ташкилот беш мингдан ортиқ иш жойи билан иштирок этди. Ярмаркаларга жалб қилинган талабгорлар сони тўрт мингдан ошган бўлса, шулардан икки минг нафаридан ортиғи ишли бўлди. Яна шунча фуқаро ишга жойлашишга доир йўлланма олди. Бир ярим мингдан ортиқ кишига эса ишга жойлашиши учун зарур йўлланма ва маслаҳатлар берилди.

— Меҳнат ярмаркасига таклиф қилинганида, — дейди Зангиота туманидаги «Эркин» кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Хайрулла Исмоилов, — музқаймоқ ишлаб чиқарадиган «Сингапур-Самарқанд» қўшма корхонасининг туманимиздаги бўлими менга ҳар жиҳатдан маъқул бўлди. Ҳозир уша ерда қадоқловчи бўлиб ишлаяпман. Ишимдан жуда мамнунман.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДАГИ УЙЛАР»

Газетамизнинг 2006 йил 29 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги айрим кўп қаватли уйлarda иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўйича муаммолар юзага келганлиги танқид қилинган эди. Яқинда ана шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақолада тилга олинган Чилонзор тумани, Юқори Дархон кўчасидаги 2- ва 4-уйларнинг иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти шу кунгача «Саноатқувват» корхонаси томонидан амалга оширилган. Бу ташкилот қозонхонаси асосан саноат корхоналарига қиш мавсумида иссиқлик ва иссиқ сув етказиб беради. «Саноатқувват» корхонасининг ушбу уйлarga иссиқ сув таъминотини узатишдаги харажатлари ўзини ўзи қопламаётганлиги ва аҳолининг

қарзлари юқори бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда иссиқ сув таъминоти тўхтатилган. Масалани ижобий ҳал этиш ва уйлarga иссиқлик ҳамда иссиқ сув таъминотини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил 6 майдаги «Марказлашмаган ҳолда иссиқлик билан таъминлаш тизимида ўтказилмайдиган объектлар ҳақида»ги 220-сонли қарори ишлаб чиқилган бўлиб, қарор билан тасдиқланган рўйхатта Юқори Дархон кўчаси 2- ва 4-

уйларда ҳам алоҳида локал қозонхона қурилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда локал қозонхона қурилиши ишлари олиб борилмоқда ва қурилиши жорий йилнинг август ойида тугаллаш кўзда тутилган.

Аҳолининг фойдаланиш харажатлари учун тўловларни мунтазам, вақтида амалга оширмаганлиги сабабли Юқори Дархон кўчаси 2-уй лифтига 2006 йил 1 мартдан «Тошкентлифт» трести томонидан хизмат кўрсатиш тўхтатилган. 2006 йил 1 июлдан бошлаб 2-уйда алоҳида «Муслима сервис коммунал» хусусий ўй-жой мулкдорлари шirkати тузилган бўлиб, ушбу шirkатта «Тошкентлифт» трести олдидаги қарзларни тўлаш ва трест билан қайта шартнома тузиш зарурлиги ҳақида таклиф берилди.

2-уйнинг ертўла қисмида 2005 йилда муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ҳозирда иссиқ ва совуқ сув таъминотининг хонадонлардаги тик қувурларини алмаштириш ишлари олиб борилмоқда, бу ишлар 2006 йилнинг август ойида тугатилиши кўзда тутилган.

Мақолада тилга олинган 4-уйни маҳаллий ҳокимият органлари балансида топшириш ҳақидаги «Саноатқурилиш-индустрия» ОАЖнинг Тошкент шаҳар ҳокимлигига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди ва унинг техник ҳолати бўйича далолатнома тузилди. Уйни маҳаллий ҳокимият органлари балансида ўтказиш масаласи далолатномада кўрсатилган камчиликлар ташкилот томонидан бартараф этилгандан

сўнг қайта қўриб чиқилиши тўғрисида корхона раҳбариятига тушунтирилди. Ҳозирги кунда ушбу уйда ҳам аҳолининг фойдаланиш харажатлари учун тўловларни вақтида амалга ошириш каби муаммолар мавжуддир.

Масала ТШХКФ бирлашмасида ўтказилган штаб мажлисида ҳам қўриб чиқилди ва «Саноатқурилиш-индустрия» ОАЖга маҳалла фаоллари, участка нозирлари билан биргаликда қарздорлардан қарзларни ундириш бўйича зарур ишларни олиб бориш ва уйда тез кунларда профилактик таъмирлаш ишларини бошлаш ҳамда ушбу ишларни август ойида тугаллаш бўйича кўрсатма берилди.

Бош директор
Б. РАҲМОНОВ

«ДЎСТЛИК» ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Дўстлик» агрофирмаси билан Украинанинг «Укржомаспром» фирмаси ҳамкорликда ташкил этган сўт заводида кунига беш тоннагача маҳсулот қайта ишланади.

Хомашё агрофирмага қарашли чорвачилик хўжалигидан олинади. Бу ерда 500 бош қора мол, жумладан, 200 бош соғин сигир парвариш қилинади. Ҳар бир сигирдан ўртача 20 литргача сўт соғиб олинади.

Илгари агрофирмада узум, мева-сабзавот ва гўшт етиштирилган бўлса, уч йилдан бери ўн хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Маҳсулотлар Навоий кон-металлургия комбинати тизимидаги ишчи-хизматчиларга ҳамда Навоий шаҳри аҳолисига етказиб берилаётди.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар аниқлаш

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz

Хизматлар аниқлаш

TOSHKENT SHAHAR

MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, faks: 133-20-74

WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bigja@mail.tps.uz

Хизматлар аниқлаш

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар аниқлаш


ТУПРОФИДА ХИКМАТ ГУЛЛАЙДИ...



15 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтишларича, Бухорои шариф кечалари ўзидан илохий нур таратаркан. Ана шу мунаввар ёғду кўна шахарни ҳар қандай ҳавф хатардан омон сақларкан. Шунингдек, бу азиз тупроққа мангу бош қўйган азиз авлиёлар руҳи ҳам Бухоронинг янада машур бўлишига, муқаддас қадимгоҳ айланганига асос бўлган. Улардан бири Абдуллоҳиқ Фихудуновийдир. Ул зоти шариф ўзининг бутун ҳаётини бизни ураб турган мулки борлик ва шу ҳудудсиз мавжудот ичра сиру саноатлар манбаи ҳисобланмиш инсон — «олами суғро» (кичик олам)ни ўзлигига қайтариш, унинг феъл-атворидаги қусурларни тозалаш, зғуликка давват қилишга сарфлаган, деб таъкидланади тарихий манбаларда. Шу боис Фихудуновий бобомиз замонасининг буюк алломаси, зоҳирий ва ботиний илмлар сардори ҳисобланган.



Чор Бақр обидалари.

— Ҳаётда ибратли ахлоқий-маънавий фазилатлари билан танилган Абдуллоҳиқ Фихудуновий бизга катта илмий мерос қолдирган, — дейди фалсафа фанлари доктори Г.Наврўзова. — Булар «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шабуҳушшуох ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтори Хожа Абдуллоҳиқ Фихудуновий» ҳамда «Васиятнома» кабилардир.

Бинобарин, Хожа Абдуллоҳиқ устози Ҳамадонийнинг таълимотини ҳар томонлама бойитибгина қолмай, балки амалиётга экири хуфияни олиб кирди. Хожагончилик тарикатининг саккиз рашха — қрун-қондасини шакллантириб беради. Алломанинг «Васиятнома»си бугун ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Бу асарда у ёшларга мурожаат қилиб, шундай дейди: «Илм ўрганмасдан туриб, ишга киришмагил. Дин йўли-йўриқларини билишинг учун мудом фикр ва ҳадис ўқигил». Унинг фикр, ва ҳадисга оид таълимотлари ҳам ёшларда алоҳида қизиқиш уйғотиши табиий.

Баҳоуддин Нақшбанд эса Хожа Абдуллоҳиқ Фихудуновийнинг шогирдларидан бири саналади. Нақшбандия таълимотининг магзини «Даст ба кору, дил ба ёр»дан билса бўлади. Бу «қўнглинга Оллоҳ суратини нақш қил, Тангрини мудом ёд эт, лекин аввало, қўнглин ишда бўлсин, ризқингни ҳалол меҳнат билан топ», дегани. Ушбу таълимот бир неча ўз йиллар мобайнида миллионлаб кишиларни ўзига жалб этиб келаетир. Дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, мусулмон оламнинг буюк намоёнаси қолдирган ноб асарлар, унинг меросига бўлган қизиқиш ва интилиш

силсилаи Нақшбандия» деган таърифга сазовор бўлган улуг зот Абдуллоҳиқ Фихудуновий хилқат топган жой, Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса ўша даврининг калтабни раҳбарлари томонидан дон бозорига айланганлиги. Бу ердаги ҳовуз қўнғилиб, чиллаҳона бузиб ташлангани етмагандек, тошқудудан сув ичиш қатъийан ман қилинган. Шукрлар бўлинган, хорликка юз тутган зиёратгоҳ истиқлол шарофати ила қайта обод бўлди. Юртбошимиз сайъ-ҳаракати билан бу пир у қомил иззати бугун жойига қўйилди. Юртдошларимиз меҳр ва муҳаббат рамзи сифатида ҳар кун бу қадимжони зиёрат қилишга одатландилар.

Тасавуф илмининг йирик нимоандаси, жоҳон тарикатининг асосчиси Абдуллоҳиқ Фихудуновий зиёратгоҳини қайтадан таъмирлаш иши ул зотнинг 900 йиллик юбилейи тадбири даврида амалга оширилди. Бундан олдин эса Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳоки пойи ётган Қасри Орифонда катта бунёдкорлик ишлари бошланганди. 2002 йилнинг 14 октябрида бу ерда бўлган Президентимиз буюк алломалар ёдгорлигини тубдан қайта таъмирлаш, янада кенгайтириш ва обод этиш зарурлигини уқдириб, бу ишни ихлос би-

лани ва астойдил қилиш лозимлигини айтганди. Зеро, ҳар бир савобли иш келажак авлодларга ёдгор бўлиб қолади, юртимизга файзу тароват бағишлайди, халқимизнинг яратувчанлик даҳосини дунёга намойиш этади.

Шундай ҳам бўлди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, Когон туманида Боги Орифон шахарчаси барпо этилди. Нақшбандийнинг волидаи муқтарамаси Биби Орифа сағанаси жойлашган Қас-

бўлиб, барчани лол қолдиради. Шу саксон метрлик айвонда қадимий меъморчилигимиз анъаналари ўзининг мукамал ифодасини топган бўлса, шамдонга жуда ўхшаб кетадиган қатор қандилларда ўзгача бир дунёни кашф этасиз.

— Истиклолимизга қўз тегмасин, — дейди Қасри Орифонда яшовчи отахон Халил Раззоқов, — илгари бу зиёратгоҳнинг атрофи кўримсиз эди. Эллигинчи йиллардан кейин эса эшикларига кулф солинди. Бу ҳолат ўттиз беш йил давом этди. Хайриятки, мустақиллик туфайли 1993 йилда бобомиз таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан бу маскан яна обод бўлди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз Абдуллоҳиқ Фихудуновийнинг қутлуг юбилейига қизгин тайёргарлик кўрилатганда шундай дегандилар: «Ҳар қандай ободлик кўнглидан бошланади. Ўз қўлимиз билан барпо этган Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Бурҳониддин Марғиноний қадимжолари бугун дунё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳларига айланган. Абдуллоҳиқ Фихудуновий меъморий обидаси ҳам ана шундай мўтабар қадимгоҳ бўлиб қолишига, қилган савобли ишларимиз ўн баробар зийда бўлиб қайтишига асло шубҳа қилмайман».

Ушанда юрт раҳбари ҳақ гапни айтганда, Фихудуновда атиги саккиз ойда эски бозор, пастанка уйлар соя солиб турган Фихудуновий мақбараси қайта юз очди. Жонқур усталар улуг пирнинг мақбарасини маҳобатли қилиб тикладилар. Унинг ёнида беш юз киши намоз ўқийдиган масжид қурилди, Улуғбек мадрасаси, кўча минор таъмирланди, эски ҳовуз қайта қўз очди, унда энди оқшудлар сузмақда. 17 гектарлик хибон барпо этилиб, унга фавворалар ўрнатилди. Мухтасар айтганда, бугун бу жой чинакам мўъжизага айланган.

— Бугина эмас, — дейди Фихудунов туман ҳокими Талибжон Қудратов, — бобомизнинг кўплаб шогирдлари ҳам ана шу заминда осийиш топган. Шу ерда ашаб, халққа илм-маърифат тарқатган Хожа Лангар Ота ва Хожа Суфий Чўян сингари авлиёлар қабрлари устига ҳам ёдгорлик мақбаралари ўрнатилди. Мазкур жойлар ҳозир халқнинг қадами аримайдиغان зиёратгоҳга айланган. Шунингдек, пиримиз номи билан аталувчи шохўнча ҳам асос солинди.

Яна бир жиҳат. Бухороликлар ихтисослашган улуг пир зиёратгоҳларини обод қилиш билан қаноатланганлари йўқ. Бухоро туманига қарашли қадимий Сумитан қишлоғидаги Чорбақр меъморий обидаси йиллар давомида қарийб вайронага айланганди.

Асрлар оша меҳр-оқибат, эътиқод ва маърифат чироғи вази-фасини бажарган Чорбақрда шайх ва олим Имом Абу Бақр Саъд, Абу Бақр Муҳаммад, Абу Бақр Фазл, Абу Бақр Муҳаммадлар мангу қўнми топганлар.

— Жўйбор шайхлари номи билан боғлиқ Чорбақр, — дейди Ўзбекистон мусулмонлар диний идорасининг Бухоро вилоят вакили Абдулғофуржон ҳожи Раззоқов, — ислом дунёсидеги энг азиз қадимжолардан бири саналади. Президентимиз 2003 йилда Бухорода бўлганида ана шуни алоҳида таъкидлагандилар: «Бундай табаррук зиёратгоҳларини обод этиш муқаддас динимизга бўлган пок, эътиқоди мустаҳкам ёш авлодга тарбиялаб вояга етказишда беқийёс маърифий аҳамият касб этади».

Вилоят ҳокимлиги сайъ-ҳаракати билан турли ташкилотлари ҳимойилигида Чорбақрни асл ҳолига қайтардилар. Абдуллоҳон II томонидан бу ерда барпо этилган хонақоҳ, масжид мадрасалардан иборат обидалар инсон қўли билан яратилган яхлит ансамбль қиёфасини олди. Зиёратгоҳда борадиган йўл очилди, қишлоқ хуснига хусн қўшуви қўй-жойлар қурилди.

Бундай савобли ишлар етти пирнинг ҳоки ётган Шофирқон, Вобкент, Когон, Ромитан туманларидаги Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Саййид Амир Қуллоп зиёратгоҳларида ҳам амалга оширилди. Хуллас, ўтган ўн беш йил ичида Юртбошимиз раҳбарлигида миллий қадриятларимизни тиклаш борасида қанчадан-қанча савобли ишлар қилинди. Биргина Бухорои шарифнинг XXV асрлик тўйи муносабати билан ўнлаб тарихий обидалар қайта таъмирланди. Ҳар бир манзилида бир авлиёси бор бу замин тупроғида ҳикмат гуллаган юрт, деган улуг мақомга сазовор бўлди.

— Бугунги Бухоро — бунёдкор юрtdир, — дейди шоир Садриддин Салим Бухорий. — Ҳар бир кўчасида, маҳалласида бунёдкорлик! Янги лойиҳадаги иморатлар, кенг кўчалар, хибонлар боғларни қўриб, дилнинг фаҳрга тўлади. Бу давлатимиз раҳбари бошлаб берган бунёдкорлик ва ободлик гоҳсининг рўёбидир. Зеро, эл-юртни ўйлаган, унинг оғирини энгил қилаётган халқпарварлар хизмати ҳеч қачон унутилмайди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Юрт юмуши, эл ташвиши билан яшаган одамлар, одатда камтарин бўлишади, чоғи. Биз баъзан қурувчи, қурилиш деганда, кўпроқ уларнинг амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр юритишга одатланганмиз. Уларнинг фалсафий қарашлари, ким дунёси хусусида эса камроқ фикр юритгандаймиз.

Бугун биз суҳбат асносида, ана шундай инсонлардан бирининг ички дунёсини ўзимизча кашф этгандай бўлдик.

...Барат Ҳалимовнинг асли касби қурувчи-муҳандис-конструктор, 1974 йилда Тошкент политехника университетини тугатган, олий маълумотли, меҳнат фаолиятини «Қаршиқурилиш» трестидан бошлаган, «Шуҳрат» медали соҳибидир. Сир эмас, яқин ўтмишда, 70-йилларда мактабни битирган ёшлар врач ёки ҳуқуқшунос бўлишга интиларди. Барат эса қурувчи-муҳандис-конструкторлик илмини ўрганган. Эл оғзида, қонда бор, деган гап юради. Бир чеккаси тўғри, унга бу иқтидор отасидан

оққан. Балки тасодифдир, балки қисматдир, иккинчи жаҳон уруши Германияда асирликда бўлган унинг отаси Халим Темировни (Оллоҳ раҳмат қилсин) қурувчилиги бир ўлимдан асраб қолган экан...

Шунда у: «Юртга оёғим етса, етти пуштига «қурилиш қил, қургин, аммо вайронадан асрасин...» деган вадиет қилардим» деб эди. Унинг нияти рўёбга чиқди, у она ватанига қайтди. Яқнабоғда қурилишлар қилди, фарзандларига касбини меърос қолдирди.

— Юрт туйғусини қандай тушунасиз? — сўраймиз ундан. Барат ака оҳиста гап бошлади:

— Юрт, деб кўкракка уриб гапирмайин, аммо бир воқеани айтсам. Истиклол элга эрк берди, юртга ўтмишдаги шаъни-шавкатини қайтарди. Агар мустақиллик бўлмаганда, мендай оддий ўзбекнинг боласига Маккани кўриб тавоф қилиш қайда эди? 1996 йилда бир гуруҳ ватандошлар билан бирга менга ҳам ҳаж сафарига бориш насиб этди. Ҳажада бир ватандошимиз уйига тақлиф қилди, оила аъзолари: «Сиздан ватаннинг иси келяпти» деб кўзларида ёш билан қарши олишди. «Ота юртим Ўзбекистон», «Ота юрт армонимиз! Бизнинг ватан — Сурхондарё, Денов шаҳрида, Ўзбекистон кўчаси, 26-уй...» деди 4 яшар бола. Кўзларимдан тирқираб ёш чиқди. Мен ўз юртимдан узоқдалигимда унинг қадрини янада чуқурроқ англадим...

Барат ака табиатан юрт кезишни ёқтиради, қадимий

обидаларимиз меъморчилик тарихини ўрганади, оддий одамларнинг иморат қуриш маданияти билан қизиқади. «Гарчи қурувчи бўлсам-да, ҳар сафар Оқсарой ёнидан ўтаётиб, халқимиз қадимда, меъморчиликни санъат даражасига олиб чиққанидан ҳайратланаман. Оқсаройга 42 метрлик арка қилинган, ҳозирги энг замонавий қурилиш технологияси билан ҳам бундай аркани кўтариш анча мураккаб».

Субҳатимиз бугунги меъморчиликка бурлилади. Барат ака юртимизда сўнгги 15 йилда бунёд этилган иншоотлар, шарқ ва ғарб меъморчилиги уйғунлиги, уларнинг салобати ҳақида мутахассис сифатида алоҳида бир ички ҳаёжон билан гурурланиб хикоя қилади.

— Мен кўп кузатганман, қизиқсиниб ўрганганман, дунёнинг бирор чеккасида шундай қисқа вақт оралиғида бундай улкан қурилишлар, иншоотлар бунёд этилганини кўрмадим. Вилоятларда бўлганимда одамлар қурган иморатларга қараб, ростки, завқланаман. Йўл қурилишлари, кўприклар, хайбатли иншоотлар, буларнинг бари юртимнинг осийишлигини, турмушнинг фаровонлигидан бир нишона-да! Элимиз ўзини ортиртса уй қуради.

Биз бугун шиддатли ўзгаришлар даврида яшаймиз. У 1994 йилдан тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади, «Олтин бошоқ» хусусий корхонасини ташкил этди. Аҳоли 100-150 қақрим йўл босиб, бугдой чиқаришга тегирмон қидириб боришга мажбур эди.

ВЭБ-САЙТЛАР САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШГА БАғИШЛАНДИ

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сийсий партиялар вэб-сайтларини ривожлантириш омиллари» мавзусига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда сийсий партиялар матбуот хизматлари котиблари, партиялар электрон нашрлари мутасаддилари, ОАВ ходимлари ва партия қурилиши бўйича экспертлар иштирок этишди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сийсий партиялар матбуот хизматларининг вэб-сайтлари самарадорлигини ошириш ва шу орқали партиялар фаолиятига оид ахборот оқимини вужудга келтиришдир.

Илмийлик қизгин баҳс-мунозаралар рухда ўтди. Соҳани тушунадиган ёш кадрлар вэб-сайтлар самарадорлигини ошириш борасида қимматли фикрлари билан ўртоқлашиб, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш йўлларини қидирдилар. (Ўз мухбиримиз)

ЯНА БИР СПОРТ МАЖМУАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида Қарши шаҳрида яна бир йирик спорт мажмуаси иш бошлади. Қайта реконструкция қилинган «Насаф» стадиони ва спорт зали қаторида сув спорти учун мўлжалланган очик бассейн фойдаланишга топширилди.

Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳомийлигида «S&V» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган ушбу иншоот катта-кичик бассейндан, тренажёр, кийиниш хоналари ва мураббийлар учун алоҳида хоналарга эга.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири

ЎзХДП фаоллари

ЭЗГУ ИШЛАР ТАШАБУСКОРИ



Хива педагогика касб-хунар коллежи вилоятдаги етакчи ўқув масканларидан. Ушбу даргоҳда ёшларга бир неча йўналишда мукамал билим бериш билан бирга улар учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилган.

— Бу ютуқларга осонликча эришилгани йўқ, — дейди коллеж директори ўринбосари Даврон Бекжонов. — Коллеж директори Зарифбой Қўчқоровнинг сайъ-ҳаракати билан 900 ўринли ўқув биноси, 300 ўринли 3 та ётоқхона, 45 та ўқув хонаси, 250 ўринли ошхона таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, чет тилини ўқитишга эътибор қўйилди. Натижада ўқувчиларда бошқа тилларни ўрганишга иштиёқ ортди.

Дарҳақиқат, Зарифбой Қўчқоров сергайрат, фидойи, ташаббускор инсонлардан бири. У халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиямиздан депутат этиб сайланган. Айни пайтда у ЎзХДПнинг дастурий мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этишда, сайловчилар ва партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Қачон қараманг, иқтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оиалар

ҳамда сайловчилари муаммолари билан юрган бўлади. Зарифбой Қўчқоровнинг отаси Рўзйой Қўчқоров узоқ йиллар Янгиёриқ туманидаги Оғаҳий номли мактабга раҳбарлик қилган. Демак, Зарифбой Қўчқоров ота касбини улуғлаб келмоқда. Унинг эл орасида ҳурмат, обрў-эътибор топанлигининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

— Директоримиз сергайрат инсон, — дейди рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилором Раҳмонова. — Ҳар кун ишга янги режалар, орзу-умидлар билан келади. Ҳар бир ўқувчининг тартиб-интизомига, ўқишига алоҳида эътибор беради. Ёшлар нима билан банд, уларнинг қандай муаммолари бор, буларга жавоб топиш мақсадида тез-тез улар билан мулоқот ўтказди. Вилоятда бўладиган ЎзХДПнинг деярли барча тадбирларида фаол қатнашади.

— Инсон ҳаётта келдими мақсад билан яшаш керак, — дейди Зарифбой Қўчқоров. — Изланмаган, орзу қилмаган, интилмаган одам тўлақонли бахтли бўла олмади. Биз тайёрлаган кадрлар мамлакатимиз ривожини йўлида меҳнат қилишини, катта-катта ютуқларга эришишини хоҳлаймиз. Фарзандларимиз камолотга етса, бу бизнинг бахтимиз.

Дарҳақиқат, фидойи партиядошимиз айтганидек, инсон ўз меҳнатининг самарасини қурганда суоанади, роҳат қилади. Бунинг учун эса фидойи бўлиб меҳнат қилиши, изланиши керак.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, Сайёра ОТАМУРОВОВА

ТУГУРУҚХОНА КЕНГАЙДИ

Шовот туманидаги марказий туғуруқхона биноси сўнгги йилларда замон талабларига жавоб бермай қолганди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан мазкур мажмуада кенг кўламада таъмирлаш ишлари олиб борилди ва қисқа фурсатда бу хайрли иш ниҳоясига етказилди.

Эндиликда туғуруқхона барча талабаларга жавоб беради. Бунинг устига кенгайтирилиб, ўринлар сони 65 тага етказилди.

Туғуруқхонани кенгайтириш, тўла таъмирлашдек хайрли ишга тумандаги фермер хўжаликлари ҳомийлик қилишди. Рўзимбой ҲАСАН

ЭЛ ХИЗМАТИДА



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тўрткўл филиали иш бошлаганига салкам ўн йил бўлди. Айни пайтда бу ерда 32 ишчи-ҳодим фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур жамоа аъзолари Тўрткўл, Беруний ва Эллиқалъа туманлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда банкнинг умумий ми-

жозлар сони 6734 нафарни ташкил этади. Шундан юридик мақомга эга бўлганлар сони 1224 та, давлат ташкилотлари, фермерлар, жисмоний шахслар сони эса 5510 тага етган.

Банк баланси бир миллиард 477 миллион сўм бўлиб, соф фойданинг қиймати 38,4 миллион сўмдир. Пластик карточкалар сони эса 4223 тани ташкил этади.

Банк ходимлари шу кунларда Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиб, миждозлар хурматида сазовор бўлмоқда.

Суратларда: вестидия бўлими бошлиғи Ҳакимбой Бекжонов ишчи Интизор Жуманиёзова билан иш устида; миждозлар хизматида. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар

САВОБ ОЛАДИ...

Хозир бир кунда 25 тонна бугдойни янчадиган тегирмон ишлаб турибди, ишлар юришиб кетди. Корхонани кенгайтиришга, аҳолига хизмат турларини кўпайтиришга эҳтиёж сезилди. Ва у шундай қилди ҳам. «Қурувчилик қон билан қилган... Яна ўз касбимга қайтдим. Буюртмалар тинмай тушяпти...» дейди у мамнун жилмайиб. 2002-2005 йилларда корхона томонидан 752 миллион 804 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Айниқса, у аҳоли орасида ишсизликни камайтиришга эътибор қаратди. Шу мақсадда у янги иш ўринлари очди учун мебель ишлаб чиқариш цехини очди, нон ва макарон ишлаб чиқариш цехига бир кеча-кундузда 5 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга тегирмон ўрнатди. Бугунги кунда корхонада 130 нафар ишчи ишлайди, уларни ижтимоий муҳофазалаш учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган.

Хотамтойлик халқимизнинг қадимий қадрияти. Буни Барат ака теран хис этади. Айниқса, у ёш авлоднинг саломатлиги, билим олишларига баҳоли қудрат хомийлик қилиб келади. Унинг ташаббусига кўра корхона соф фойдасидан 2001 йили Якабоғ туманидаги «Қайрағоч» қишлоқ врачлик пункти қурилишига 18 миллион, «Чинобод» КВПсига 3 миллион, Б.Шарипов номи мактабнинг иситиш тармоқларини таъмирлашга 2,9 миллион сўм сарфланди.

Одатда хомийлик савоб учун қилинади, уни алоҳида таъкидлаш бироз ноўриндир.

Аммо «Олтин бошқ»нинг охириги беш йилда 70 миллион 885 минг сўмлик қурилиш ишларини ҳомий сифатида амалга оширганини эл яхши билди.

Маълумки, кейинги йилларда Якабоғ туманидаги чекка А.Авлоний номи мактаб биноси таъмирталаб бўлиб қолган эди. Шунинг учун «Олтин бошқ» корхонасининг маъмурий биносини 4 йил аввал ушбу мактаб ўқувчиларига бўшатиб берди... Мактабнинг янги биносини 2007 йилда қуриб битказиш режалаштирилган.

Тогли Сероб қишлоғи Якабоғ туман марказидан 70 километр узоқликда жойлашган. Якабоғдан хўшхабар олдик. Тадбиркор Барат Ҳалимов қишлоқ болалари учун 216 ўринли 76-мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширди. Сероблик ўқувчи ёшларнинг қувончи кезисди. Чунки улар янги 2006-2007 ўқув йилини замонавий қурилган мактабда бошлашади. Шунингдек, тадбиркор Сероб қишлоғи аҳолисига икки километр узоқликдан тоза ичимлик суви келтирди, бир километрдан ортқ йўлга асфальт ётқизди. Бу юмушларга Барат Ҳалимов хомийлик қилди.

«Биз мустақиллигимизнинг 15 йиллигини ана шундай кутиб оляпмиз», — дейди у.

Тадбиркор тумандаги 7 нафар ҳам таъминланган оила фарзандларининг 1 миллион 885 минг сўмлик олий ўқув юртрадидаги шартнома пулларини тўлаб берди.

— **Мактаб, илм учун кўп фидойилик кўрсатишнингизнинг боиси нима?**

Сўхбатдошимиз ўйлаб ўтирмай:

— Юртбошимиздан бир ўғти ҳеч ҳаёлимиздан кетмайди: «Ёшлар бизнинг эртасиз, мактабга кўрсатган ғамхўрлик эртасизга, келажакимизга қилинган ғамхўрликдир!»

Шукур қилиб яшаш керак, рафикам Самидоим ўй бекаси, ўғилларим — Бахтиёр қурилиш муҳандиси, Баходир ҳам қурилиш коллежиде ўқияпти, қизларим Шахноза, Гулноза, Мафхират — умримизни мазмунли. Биз қурувчилар сулоласимиз, отамнинг васияти шу: «Тти пуштиминдан қурувчи чқисин, қурган савоб олади...»

Эзгуликка эш инсонларнинг орзу, мақсадлари ҳам мўл-кўл бўлади, дейишади.

— Юртимиз табиий ресурсларга бо. Дунёнинг 3-4 та мамлакатиде, жумладан, Италияда яшил мрамар қони бор. Якабоғдаям яшил мрамар мавжуд. Хозир биз яшил мрамарни қайта ишловчи корхона очиш устида изланяпмиз, шунда яна 300-400 та янги ишчи ўрни очилади. Италияликлар билан музокара олиб боряпмиз. Унинг баҳоси қизил, кўк мрамардан 4 марта қиммат туради, қолаверса, ташқи бозорга махсуслотимизни чиқаришимиз мумкин. Эзгуликнинг этагидан тухит яшаш ҳам бахт, асли, — дейди Барат ака кўтаринки бир кайфиятда.

Назаримизда, у бизнинг ҳам юрагимиздаги юрта муносиб фарзандлик хисларини тебратиб юборди.

Санда САЙХУН,
Инобат ОЙДИН

● Жиноятга жазо муқаррар

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

ЁКИ НОСОҒЛОМ МУҲИТНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

Ҳеч ким қотил ёки безори бўлиб туғилмайди. Балки но-тўри тарбия, носоғлом му-ҳит, лоқайдлик инсонни боши берк кўчага олиб ки-ради. 1986 йилда туғилган Мақсуд Жўрақулов ўн тўққиз ёшида мурдаш жиноят содир этиб, қола курсига ўтирди. Жиноят илдини қидирсангиз яна уша — носоғлом му-ҳит, ота-она ўртасидаги со-вуқ муносабат, меҳрсизлик, оқибатсизлик...

Тармаш Жўрақулов турмуш ўртоғи Гўлбарҳон Султонова билан тўрт фарзандни дунёга келтирди. Фарзанди оқ ювиб, оқ тараш, тарбиялаш ота-она-нинг бурчи. Бироқ Тармаш ўз оталик бурчини унутди. Тар-бия масаласи бир четда қолиб, арогоини ичиб, таралабедод қилиб юрaverди. Бир ишинг бошини тутмай қинғир ишлар-га қўл урди. Оқибатда тўрт марта қамалиб чиқди. Тавба-сига таянмай яна ичaverди. Ичганда «шер»га айланарди. Болаларини сўйиб, хотинини уриб, хуморидан чиқарди. Отан-нинг бундай «хурмача» қилиқ-ларидан безиб қолган она ва болалар уни қўрди дегунча қўни-қўшиллариникига яшири-надиган бўлишди. Бундай хо-паллар тарбиясиз отанинг фиғонини янада оширарди. «Ҳойнаҳой бу қайнотамнинг иши бўлса керак» деган хаёл-га борарди. Гандирақлаб қайнотаси Кенжа Султонов-никкига борарди, жанжал кўтарарди. Кекса кишини урарди, сўқарди.

...Уша кўни (2005 йил, 29 ноябрь) одатдагидек Тармаш Жўрақулов уйига кеч келди. Унинг яна мастлигиндан хабар топган хотини ҳар галигидек тандирхонага яширди. Тар-маш кўтуриб, хотинини ахтар-ди, бақирди, сўқинди... Сўнг «ҳойнаҳой отасиникида бўлса керак», деган хаёлда Кенжа бобониккига йўл олди. Дарво-задан кираркан «Кизинг қани?», деб дағдаға қилди

қайнотасига. Сўнгра қизини топиб бермагани учун қай-нотасини дўппослай бошла-ди. Шу пайт Тармашнинг ўғли Мақсуд келиб қолиб, уларни ажратишга тушди. Шунда Тар-маш «Сен отанга қўл кўтара-диган бўлдингми, оқларда», деб ўғлини қувиб кетди. Ка-вердандир қўлида пайдо бўлган пичоқни ўқталиб, «Сени ўлдираман» деб ўғлига ташланди. Уғил пичоқни тор-тиб олиб, ўйини томига отиб юборди ва рўпарасидаги ўй-ларнинг бирига кириб, яши-ринди. Маст ота унинг орқа-сидан қириб борди. Ўз жони кўзига иссиқ қуриган ўғил кўрқанчиданми, нафратланган-данми, жонидан тўйиб кет-ганданми... хонада турган болтани олиб, отасининг бо-шига урди. Бироз ўтиб, нима қилиб қўйганини тушунид ва изни йўқотишга киришди. Ўйлаган режасини амалга ошириш мақсадида уйига бо-риб эшак арава олиб келди. Мурдани аравага жойлаб, қишлоқ четигаги ариққа таш-лаб юборди...

Орадан бир кун ўтар-ўтмас ҳуқуқ-тартибот идоралари тез-кор гуруҳи уни қўлга олди. Жи-ноят жазосиз қолмаслиги му-қаррар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жиноят ишлари бўйи-ча Самарқанд вилояти суди-нинг шу йил 24 февраль куни-даги ҳукми билан у 16 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу жиноят сабаблари ҳақида кўп ўйладим. Отанинг юрши-туриши фожиага асо-сий сабабчи, албатта. Аммо, ўғилни ҳам оқлаб бўлмайди. Биринчидан, унда қочиб қути-лиш имкони бор эди. Ҳар не бўлганда ҳам ўзини қўлга олиши керак эди.

— Мақсуднинг бундай фо-жиага қўл уришини шайтон васвасаси деб биламан. Ик-кинчидан, уйдаги муҳит — отанинг сурункасига ичиб юрishi, жанжал ва тўпалон қилавериши бундай қотил-

ликка қўл уришига олиб кел-ган бўлиши мумкин, — деди «Янгитепакўл» маҳалласи оқсоқоли Абруй Сулаймо-нов. — Чунки Мақсуд бу во-қеадан бир ойлар олдин ма-ҳалла идорасига келиб ўй-лариде жанжал бўлаётган-лигини айтганда Тармашдан «Бошқа жанжал қилмайман» деган мазмунда тухит олган эдим. Бироқ у галимизни қулгоғига олмай, ўз бил-гандан қолмади.

Демак, маҳалла аҳлининг галига қараганда, Тармаш Жўрақулов ичиб, оилада жан-жал кўтариб юрган. Бу эса унинг ўғли Мақсудга руҳан таъсир қилган. Бу мисол биз-га ота ҳар доим ўз фарзан-дига ибрат бўлиши керак эканлигини, отанинг ахлоқ-сизлиги болани ҳам жувон-марг қилиши мумкинлигини яна бир бор исботлади. На-заримизда ушбу оиладаги муҳитга яқин қариндошлар қишлоқ оқсоқоллари, маҳал-ла фаоллари, қўни-қўшиллар, ички ишлар хизмати ходим-лари, уларни таниган, бил-ган кишилар яхшироқ эъти-бор қилганлариде, таъсирчан, амалий чоралар қўллаганда эди, балки бундай мурдаш қотиллик рўй бермасди? Энг ёмони, ўн тўққиз ёшли йи-гитининг бундай бир умр па-дарқуш деган тавқи-лаънат илнамасди...

Бундай жиноятлар олди-ни олиш учун энг аввало ота-она аҳил, иноқ бўлмоғи, болалари олдиде ноқўя га-лардан ўзларини тиймоғи зарур деб ўйлаيمان. Оила мустаҳкам бўлса, болалар тарбия кўради. Меҳр-оқибатни, иззат-хурматни болалар оиладан ўрганиша-ди. Шунинг учун ота-она фарзандларига ибрат бўлишлари керак.

**Акрон ЎТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Самарқанд вилояти
суди судьяси**

● Шарҳловчи минбари

ЛОҚАЙД ДУНЁ

ЁКИ ИНСОНДАГИ ЛОҚАЙДЛИК НУҚСИНИНГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРГА, ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Дунёни сув босса, тўлиғига чикмайди. Бу гал лоқайд ҳакамлик ҳуқуқига эга бўлган халқаро ташкилотлар қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлаш оқсайпти? Бу саволларга жавоб топиш жуда-жуда мушкул.

Биз ўзбекларда «номи улуг, супраси қуруқ» деган гап бор. Уша номи улуг халқаро ташкилотларнинг қуруқ супралари зўрларнинг тегирмонларига қарам бўлиб қолган. Уларга тошинг айланшига қараб томиб туради. Агар зўрларнинг йўриғига юрилса, тегирмон тоши тез ва соз айланади. Ақ холда суз ва вақтида бажарилмай даъво қилмаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши, шубҳасиз, иккинчи жаҳон уруши оқибатларидан олинган сабоқнинг натижаси. Утган ярим асрда БМТ ҳам халқаро ҳаёт синовидан ўтди. У нималарга қодир ёки қодир эмаслиги маълум бўлди. БМТ қабул қилган айрим қарорлар неғи ўз вақтида бажарилмай қолиб кетаётганлиги қимлар сабаб бўлаётганлиги ҳам маълум. Жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилдаги резолюцияси ўз вақтида бажарилганида эди, шундан бери Яқин Шарқда бирон марта ҳам низо чикмаган бўларди. Кўп ҳолларда жаҳон иқтисоди бўлиниб қоляпти: яъни, ер юзидеги бар-ча давлатлар бир томону, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган битта ёки икки-та давлат бир томон. Ана шундай йўл билан ҳар қандай ҳақиқат қурбон қилинапти. Бугун дунё лоқайдлик дардига мубтало бўлганлиги боиси шун-дан.

Бугун озилик кўпчилиги устидан ҳуқронлик қилаётганлиги сабаб шу. Бугун айрим давлатлар жаҳон ҳамжамияти-ни ҳам, жаҳон жамоатчилигини ҳам назар-писанд қилмай қўйганлигининг боиси шу.

Демак, бугун жаҳонда юзага келган вазият БМТ фаолияти-ни тақомиллаштириши, унинг ваколатини кучайтириши, БМТ Бош қотибига алоҳида ваколат-лар бериши, Хавфсизлик Кен-гаш доимий аъзолари сонини ошириши, вето ҳуқуқини қўллаш шартларини қайта кўриб чиқиши, жаҳон тинчили-ги ва хавфсизлиги таҳдид бўлган тақдирда қабул қилин-ган қарорнинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишини тақозо этади. Бу ўзгаришлар-ни амалга оширишда БМТ Бош Ассамблеяси салохиятидан са-марали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бироқ Хавф-сизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган айрим давлат-лар бу ишда нафақат ташаб-

буқорлик ва ташкилотчилик, балки холислик, ҳаққонийлик ва изчиллик кўрсатмасалар мақ-садга эришиб бўлмайди. Аксин-ча, тўсиқ бўлсалар БМТнинг мавқеи ҳозиргидан ҳам баттар пасайиб кетади.

Гап халқаро ҳақам — БМТнинг мавқеи ва ваколатла-ри ҳақида борар экан, яна бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчимиз. Хозир ер юзиде муслмонлар сон жиҳатидан христианлардан кейин иккинчи ўринда туради. Бироқ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафиде би-роррта ҳам муслмон мамлака-ти йўқ. Ҳатто тақлиф этилаёт-ган янги номзодлар орасиде ҳам йўқ. Вахланки, тараққиёт даражаси ва аҳоли сони жиҳа-тидан ҳозирги аъзолари ҳамда аъзоликка номзодлардан қол-шимайдиган муслмон мам-лакатлари бор. Эҳтимол аъзо давлатлар аҳолисининг бир қисми муслмонлар-қу дейди-ганлар топилиши мумкин. Ке-линг, қиёсаб кўрайлик: Хавф-сизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган бешта давлатда тахминан икки миллиард икки юз миллион аҳоли яшагани ҳолда муслмонлар сони нари борса юз миллиондан сал оша-ди. Янги номзодлар қабул қилинса, ўртадаги фарқ яна му-сулмонлар зарарига бўлади. Ҳал қилувчи овозлар ичиде бит-та ҳам муслмоннинг овози бўлмаса, бундай тизимни қан-дай қилиб халқаро ҳақам деб аташ мумкин. Бу ҳақда, авва-ло, қозиликка даъвогарлар ўйлаб қуришлари ва холис ҳу-лоса чиқаришлари керак.

Бундай фикрлашга асосимиз шуки, ўтган бир асрдан бери му-сулмон олами, биринчи навбат-да араб дунёси кўп азият че-ди. Ташқи қулар нафақат араб давлатлари, балки араб халқи ўртасига ҳам турли низо уруғ-ларини сочишди. Айниқса, «со-вуқ уруш» йилларида улар ўзга гоғлар таъсириде икки гуруҳга бўлиниб қолишди. Кейинчалик эса бировларнинг таъзиқлари остида бир-бирларига нисба-тан ишончни йўқотиб, қардош-лик қадриятларининг қадрига етмай қолди. Уларга демок-ратия никобидеги таъзиқ ҳам қучайиб боряпти. Араблар ора-сиде Фарбнинг ўйлаб топилган сунъий турмуш тарзи зўр бе-риб тарғиб қилинапти. Оқибат-да баъзи араб давлатлари бо-симга дош беролмаяпти. Яқин-да Ислам қадриятларининг маркази ҳисобланган бир мам-лакатнинг Фарбдаги давлатлар-дан биридеги элчиси демокра-тия ислом тартиб-қоидалари билан уйғун эканлиги ҳақида айтган гапларини эшитиб ҳай-рон қолдим.

Араб дунёсидеги пароканда-ликнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Баъзилар фарб дун-ёсининг таъзиқига ёки қаҳрига қарши боришдан

қўриб турибди. Биттаси ҳатто демократия никоби остида му-нофиқ ишлар қилаётган давлат шаънига аччиқ, аммо очиқ гап-лар айтиди. БМТ Бош қотиби ўз ўринбосарининг бу гапини маъ-қуллади.

Албатта, жаҳон ҳамжамияти бундай аҳволдан қиқшининг йўлларини ахтариши зарур. Хал-қаро ҳақам ўз номига яраша бўлиши керак. Ақс холда даъ-вогарлар сустилигини кўриб, ҳақамнинг устидан ҳам қозилик қилаётганлар муттахам бўлиб бораверадилар. Утган асарлар-да ҳам зўравонлар дунёни бўлиб олишган, лекин ҳеч бири бутун ер юзига ҳуқронликни даъво қилмаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таш-кил этилиши, шубҳасиз, иккин-чи жаҳон уруши оқибатларидан олинган сабоқнинг натижаси. Утган ярим асрда БМТ ҳам хал-қаро ҳаёт синовидан ўтди. У нималарга қодир ёки қодир эмаслиги маълум бўлди. БМТ қабул қилган айрим қарорлар неғи ўз вақтида бажарилмай қолиб кетаётганлиги қимлар сабаб бўлаётганлиги ҳам маълум. Жумладан, БМТ Хавфсиз-лик Кенгашининг 1967 йилдаги резолюцияси ўз вақтида бажарилганида эди, шундан бери Яқин Шарқда бирон марта ҳам низо чикмаган бўларди. Кўп ҳолларда жаҳон иқтисоди бўлиниб қоляпти: яъни, ер юзидеги бар-ча давлатлар бир томону, Хавф-сизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган битта ёки икки-та давлат бир томон. Ана шун-дай йўл билан ҳар қандай ҳақиқат қурбон қилинапти. Бугун дунё лоқайдлик дардига мубтало бўлганлиги боиси шун-дан.

Бугун озилик кўпчилиги устидан ҳуқронлик қилаётганлиги сабаб шу. Бугун айрим давлатлар жаҳон ҳамжамияти-ни ҳам, жаҳон жамоатчилигини ҳам назар-писанд қилмай қўйганлигининг боиси шу.

Демак, бугун жаҳонда юзага келган вазият БМТ фаолияти-ни тақомиллаштириши, унинг ваколатини кучайтириши, БМТ Бош қотибига алоҳида ваколат-лар бериши, Хавфсизлик Кен-гаш доимий аъзолари сонини ошириши, вето ҳуқуқини қўллаш шартларини қайта кўриб чиқиши, жаҳон тинчили-ги ва хавфсизлиги таҳдид бўлган тақдирда қабул қилин-ган қарорнинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишини тақозо этади. Бу ўзгаришлар-ни амалга оширишда БМТ Бош Ассамблеяси салохиятидан са-марали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бироқ Хавф-сизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган айрим давлат-лар бу ишда нафақат ташаб-

қўра, турли йўриқларга йўра-лаш билан ўз тинчлигини ўйла-шяпти. Шубҳасиз, бундай йўл тутиш рағбатга сазовор. Яъни, Фарб дунёси томонидан тинч-лик, оқсоқиллик, мансаб-мар-таба, хайр-эхсон, ёрдам қафо-латланади. Уруш-жанжал ва аг-рессия балосидан бутунлай ҳимоя қилинмаган тақдирда ҳам жаҳоннинг кўз олдида ҳамдард-лик кўрсатилади. Иродасиз ва қатъиятсиз етакчиларга шунинг ўзи ҳам қатта мадад. Араб дунёсининг бир қисми ҳозир ана шундай ҳолатда. Геосиё-сий манфаатни ва бошқа ман-фаатларни қўзлаган ташқи қу-лар бундан усталик билан фойдаланмоқдалар.

Умуман, ер юзидеги аҳоли-нинг салкам учдан бир қисми-ни ташкил этган муслмон ола-мининг БМТ тизимидеги барча мўътабар минбарларда, шу жумладан, Хавфсизлик Кенга-шида ҳам ўз сўзи ва овози бўлиши керак. Шундагина ер юзидеги турли диний эътиқод-даги халқлар бир-бирларини яхши тушуниб, бир-бирлари-нинг дард-аламларини ва қувончларини билри баҳам қўриб, бир-бирларининг мил-ли, диний ва маънавий қад-риятларини қадрлай оладилар. Шундагина муслмон оламида-ги, хусусан, араб дунёсидеги парокандалик барҳам топади. Шундагина БМТ барча халқлар, динлар ва давлатлар манфаа-тини бирдай фойдалайдиган ва ҳимоя қилайдиган халқаро ҳақамлик мақомига муносиб бўла олади.

Хозир халқаро ҳаётни қузат-сангиз, ўта жиддий ва долзарб масалаларни кўриб чиқшда бир давлат ташқи сиёсат маҳма-сининг раҳбари БМТ Бош қоти-бининг тақлифини йўққа қирав-ганига ажабланасиз. Бу БМТ бит-та давлатчилик ҳам обрўга эга эмаслигини кўрсатмайди? Ёки, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган маслаҳатчиларга сўзи ўтмайди-ган қозини эслатаймиди? Қозибўлса қозидек, оқсоқол бўлса оқсоқолдек бўлгани яхши эмас-ми? Кўп халқларда ва динларда бўлгани каби биз муслмонлар-да ҳам таллаб ва сайлаб қўйил-ган қозига (оқсоқолга) қарши бо-ришга ҳар қандай зўравонлик ҳам ҳадди сиғавермайди. Халқ-ро ҳаётда ҳам шундай бўлиши керак.

Мана, янги асрга қадам қўйилганига ҳам бир неча йил бўлди. Биз ўтган асрнинг асо-ратларидан тезроқ халос бўлиб, бундан буюн ақл-идрок устуворлигига эришмас экан-миз, жаҳонни ғурбатдан, халқ-ни гафлатдан, келажакни ҳоло-қатдан қутқара олмайми. Ло-қайдлик ҳаммининг, аввало, ҳар бир инсоннинг, қолаверса, бу-тун инсониятнинг душмани ҳисобланмоғи керак.

**Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи**

МЕКСИКА

Мексика пойтахтида икки кундан буюн давом этаётган намоийшлар мамлакатдаги вазиятни анча чигаллаштириб қўйди. Ҳаммасига Мехико кўчалари-га президентлик сайловлари натижаларини ҳаққоний эмас, деб ҳисоблаётган сўл марказчи-лар номзоди Андрес Обрадорни қўллаб-қувват-лашга чиққан намоийшчилар сабабчи. Намоийш-чилар автомобиль йўллариде катта муаммоларни келтириб чиқаряпти.

Устига-устак Обрадор ўз тарафдорла-рини овозлар-ни қайта ҳ и с о б л а ш бошланмағу-нича қўчалар-ни тарқ эмас-ликка қақурди. Унинг ўзи ҳам тунни шаҳар марказиде ташкил этилган палаткали лагерда ўтказди.

Унинг рақибчи амалдаги партия номзоди консер-ватор Фелипе Кальдерон эса Обрадорни кескин қоралади. Унинг айтишича, Обрадор шаҳарни га-ровга олиб, тартибсизликлар ҳосил қилган ва шу билан сиёсатдан йироқ одамларга ҳам ноқулайлик-лар келтириб чиқарди.

Кальдерон бўлиб ўтган сайловда расман ғалаба қозонди. Бироқ сиёсий рақиблар орасидеги овоз-лар тафовути 0,5 фоизни ташкил этди.

Мексика марказий сайлов комиссияси 31 август кўни Обрадор талаблари қондирилиши ё қондирил-маслигини қатъ қилади.

АҚШ

АҚШнинг Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер ва Британия бош вазири Тони Блэр об-ҳаво глобал даражада исби кетишининг сабаб-ларига қарши қурашишга ваъда беришди.

Лос-Анжелесда бўлиб ўтган учрашувда Шварце-неггер ва Блэр экологик жиҳатдан тоза ёнилғи ман-баларини қидириш ва энергияни тежашга қаратил-ган технологияларни тадқиқ этишда ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Калифорния дунёда атмосферага ис газини энг кўп чиқарувчи шаҳарлар орасиде 12-ўринни эгаллаганди. Бу кўрсаткич борасиде штат дунёнинг кўпгина мамла-катларини ортда қолдирди. Калифорнияда ис гази кўллаб миқдор-да ажралишига транспорт во-ситалари сабаб бўлмоқда.

А р н о л ь д Шварценеггер яқин тўрт йил ичиде хавфли газлар ажрали-ши миқдорини 2000 йилги кўрсаткичгача келти-роқчи. Тони Блэр эса 2050 йилга ис газлари аж-ралишини 60 фоизгача қисқартиришга эришмоқчи.

ЭРОН

Эрон президенти Махмуд Аҳмадинажд унинг мамлақати БМТ Хавфсизлик Кенгаш қарорига қара-масдан ядро ёнилғисини ишлаб чиқариши давом этириши ҳақида маълум қилди. Эрон раҳбари мам-лакат фуқароларига қилган мувожазиде Тейрон «куч ва дўқ-пўписа тили»да гапирётганларга буйсунмас-лигини билдирди.

Душанба кўни БМТ ХК Эронга уранны бойитиши тўхтатиш учун август охиригаче муддат берди. ХК аъзолари бу муддат ичиде Эрон уранны бойитиши тўхтатмаса, унга нисбатан санкциялар қўлланлиши мумкинлигини айтишган.

Фарб мамлақатлари Эрон қурол-яроғ ишлаб чиқар-иш учун уранны бойитаяпти, деб ҳисоблайди. Бироқ Тейрон бу гумонлар асосиз эканлигини айтиб, уран борасидеги режалари тинчлик йўлидагина хиз-мат қилишини билдирган.

БМТ ХКнинг Эрон борасидеги резолюция Хитой ва Россия илтимоси билан анча енгиллаштирилди.

Июнь ойда ХКнинг доимий беш аъзоси ва Гер-мания Эронга уран борасидеги тадқиқотларни тўхта-тиш эъзаига бир қатор имтиёзли тақлифларни бе-ришганди. Эрон бу тақлифларни август ойи даво-мида кўриб чиқишга ваъда қилган.



